Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 12 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

№ 68 (5664).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

ЮТУҚЛАР БОРУ, ЛЕКИН...

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида бўлгани сингари халқ таълими тизимида ҳам муаммолар кўпайиб кетди. Бунинг устига ўқув дастурларининг эскирганлиги, борлари эса талабга жавоб беролмаслиги ўқитувчилар олдида мушкулликларни кўндаланг қилиб қўйди. Буниси етмагандай, бошланиб кетган бозор иқтисоди муносабатлари ҳам мактаб ва илм масканларини янада оғир аҳволга солмоқда. Лекин шунга қарамай таълим-тарбияни замон талаби асосида ривожлантириш учун район халқ таълими тизимидагилар имкониятларни қидириб топмоқда. Чунончи, ўтган ўқув йилининг якуни ҳам фикримизга далил бўла олади.

Паркент районидаги мавжуд 36 та мактаб, шулардан 4 таси тўлиқсиз ўрта, 25 та мактабда ўзбек ўқувчилари, 4 тасида тожик, 4 тасида қозоқ, 2 тасида рус ва 1 мактабда қирғиз тилларида ўқувчиларимиз таҳсил олиб, юқори натижаларга эришдилар. Жумладан, дарсларни ўзлаштиришда 2, 10, 22, 25, 4, 6, 8, 27, 29-мактабларнинг кўпчилик ўқувчилари алоҳида фанлар бўйича яхши натижаларга эришиб, райондаги бошқа кўплаб ўқувчиларга ўрнак бўлишди. Вилоят ва жумҳурият олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринни эгаллаганлар ҳам бўлди.

Ўқув-тарбия жараёнини янада яхшилаш мақсадида ўқитишнинг янги шаклларидан фойдаланиб, тажрибасинов ишларига ҳам кенг аҳамият берилди. Масалан, 1-ўрта мактабда «Мактаб — олий ўқув юрти ҳамкорлиги», 10 ва 27-мактабларда эса ўқувчиларни бошланғич синфлардаёқ табақалаштириб ўқитиш, 15 мактабда 2-синфдан бошлаб ЭҲМ ни ўргатиш каби усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, давр талабидан келиб чиқиб ўқитишнинг мазмунини миллийлаштириш мақсадида баъзи мактабларда биринчи қадамлар қўйилди. Бу каби ишларнинг боришида ва унинг натижаларини аниқлашда ноҳия халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган махсус гуруҳ фаолият кўрсатиб турди. Хуллас, якунланган ўқув йили айрим қийинчиликларга қарамай яхши натижали бўлди, десам муболаға бўлмайди.

Ўтган ўқув йилидаги қувончлар билан фахрлансак-да, олдимизда янги ўқув йили учун янада масъулиятли ишлар кўндаланг бўлганлигини сир тутмайман. Айтайлик, баҳорги табиат инжиқликлари, ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги мактабларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бир илм масканимизни сув босиб, синфхоналар яроқсиз бўлиб қолганди. Ўқитувчиларимизга минг раҳмат, қурилиш ташкилотларининг раҳнамолигида июль ойидаёқ синфхоналарни қайта таъмирлаб, ўқитиш учун барча шарт-шароитни ҳозирлаб қўйдилар. Таъкидлаш керакки, бундай тайёргарлик райондаги мавжуд барча мактабларда ҳам қисқа фурсатда амалга оширилди. Чунончи, мактаблардаги спорт майдончалари, ошхоналар, синфхона ва бошқалар шулар жумласидандир.

Янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда муаллимлар қаторида ота-оналар, оталиқ ташкилотларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Айниқса, «Чотқол», «Навбаҳор» давлат хўжаликлари, МПМК — 548 ҳамда МСПМК — 330 қурилиш ташкилотлари мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига раҳнамолик қилишда бошқаларга ўрнак бўлдилар. Булардан ташқари ўқувчиларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлашнинг ҳам зарур чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Лекин шунга қарамай бир қатор ютуқлар қаторида муаммоларимиз, янги ўқув йилига эски йилдан қолиб келаётган, «қолдиқ»ларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, айрим ташкилотларнинг айби билан мактабларимиз ҳамда болалар боғчаларининг баъзиларидаги таъмирлаш ишлари, қўшимча синфхоналари ва қурилиш шохобчалари ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Бу ташкилотлар ишини тезроқ якунлаб, объектларни эгасига топшириш хусусида ўйлаб ҳам кўрмаяптилар. Масалан, 9-болалар боғчасидаги қозонхона ишлари ҳанузгача ниҳоясига етган эмас. 18-мактабда ҳам қилиниши керак бўлган баъзи ишлар мавжуд.

Биз педагогларнинг асосий вазифамиз ёшларга тўғри сабоқ бериб, ҳаётга тайёрлаш экан, бу йўлда ҳам айрим нуқсонларимиз борлигини таъкидлаш жоиздир. Ота-оналар, жамоатчилик ҳамкорлиги айтарли даражада яхши эмас. Бироқ ёзги таътилдан тўғри фойдаланиб, ўқитувчиларимиз тарғиботташвиқот ишларини жонлантиришди. Ниҳоят, жойларда бўлиб, ота-оналар қўмитаси, жамоатчилик фикри асосида тарбияда баъзи ишларни қилишга келишиб олинди. Шунингдек, янги ўқув йилини, жумҳуриятимизнинг мустақиллигига бир йил тўлганлигини яхши кутиб олиш учун улар билан ҳамкорлик қилинмоқда, жиддий тайёрланилмоқда.

Хуллас, ютуқлар қаторида айрим нуқсонлар ҳам бўлиши шак-шубҳасиз. Лекин бу нуқсонлар тез орада тузалади.

Б. МАХСИЛОВ,
Тошкент вилояти Паркент район халқ таълими бўлимининг мудири.





АБИТУРИЕНТ–92

Тошкент давлат педагогика институтида қабул имтиҳонлари давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: абитуриентлар математикадан тест усулида имтиҳон топширмоқдалар.

М. АМИН тасвири.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

КЕЛАЖАК МЕВАСИ

Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ ана шу қисқа вақтда анчагина ўзгаришлар рўй берди. Президентимиз раҳбарлигида яқин келгусидаги фаровон, тинч ҳаёт йўлида қатор тадбирлар амалга оширилятпти. Бу айни пайтда ёш авлод камоли учун қилинаётган ғамхўрлик ҳамдир.

Ёшлар — ўринбосарларимиз ва келажагимиз, келгуси ҳаёт — уларники. Шу боисдан мен ҳам кекса ўқитувчи сифатида ёшларни турмуш қийинчиликларига сабр-қаноатли, бардошли ва чидамли бўлишга, халқимизнинг осойишталиги, тинчлигини кўра олмаган кучларнинг ғаразли ниятларига қарши курашувчи бўлишга даъват этаман.

Ёш авлод тарбияси жуда нозик меҳнат талаб қилади. Ёшларнинг тарбиясига ўта хушёр ва масъулиятли бўлиш керак. Ҳозиргача оила ва мактаб ҳамкорлиги тўғрисида кўп гапириб келинди. Бироқ, тарбиядаги натижа ҳамон ўша-ўша. Тарбия — бу инсон умрининг меваси. Яхши тарбиядан ҳамма хурсанд, агар акси бўлса-чи... Боғбон эккан ниҳолини асраб-авайлайди, парвариш қилади. Унинг мевасидан баҳраманд бўлгани каби ёшларнинг тарбиясига ҳам ана шундай эътибор билан қараш мустақил республикамиз учун фойдалидир.

Шу кунларда мактаблардаги мавжуд таълим жараёни истиқлол талабига жавоб бермай қўйди. Шу сабабли биз халқ таълими тизимини тубдан яхшилашда бутунлай янгича қараш мафкурасини талқин қиляпмиз, миллий мактабни тасарруф этиш, унинг келгуси мавқеи қандай бўлиши тўғрисида ўйлаяпмиз.

Миллий мактабда халқимизнинг топталган миллий қадриятлари қайта тикланишини, ўқитиш ва ўргатиш жараёнида ўғил болалар билан қиз болаларни алоҳида-алоҳида ўқитиш мақсадга мувофиқлиги, уларни миллий кийимда келишини, бошқа фанлар қаторида диний таълим берилишини истовчилар ҳам бор. Албатта, ҳар бир истак ва хоҳишнинг яхши ёки ёмон томонлари бўлгани каби миллий мактаб тўғрисида тилга олинган фикрлар юзасидан пухта ва чуқур ўйлаш лозим. Чунки катта бир масалага юзаки қараш, шошқалоқлик билан хулоса чиқариш тўғри бўлмайди, албатта.

Гап ўғил ва қизларни алоҳида ўқитиш, миллий кийиниш, уларга диний таълим бериш ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда қадимги ва ҳозирги замон миллий мактабининг энг яхши хусусиятларини ўз ичига олган миллий анъаналарни ёшларга ўргатиш, билдириш ва уларни шу руҳда тарбиялаш дастури ҳақида бораяпти.

Ҳозир мустақил республикамиз ташкилий даврни бошидан кечираётган бир пайтда миллий мактаб тўғрисида эмас, балки мавжуд мактабларни истиқлол талаблари даражасига кўтариш, миллий ёшлардан етук, билимдон, ишбилармон, тадбиркор, ташқи ва ички иқтисодиётни тўғри тушунувчи ёшларни тайёрлаш ҳақида ўйлаш фойдалидир. Мактабларни битираётган ёшларни иш билан таъминлаш, ёш мутахассислар бекор қолмаслиги учун жойларда ташкилотлар маълум иш олиб боришаётган бўлишса-да, улар маълумот тўплаш билан чегараланиб, амалий ишлари кўзга кўринмаяпти. Оқибатда ёшлар бекор қолмоқда. Бу турли кўнгилсиз воқеалар келиб чиқишига сабаб бўлаётир.

Ёшлар онгига 70 йил мобайнида «СССР — менинг Ватаним», «КПСС га шон-шарафлар», «Рус халқи — буюк оғамиз», «Ленинчи авлод» каби тушунчалар сингдирилди. Ёшлар таълим-тарбия муҳитида иккиланмоқда. СССРнинг тугатилиши, ундан кейинги мамлакат ичида рўй берган ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти талабларига кўра нарх-навонинг кўтарилиши, эркин нарх-наво тизимига ўтиш жараёнлари, деҳқон хўжалигининг турли шаклларининг юзага келиши, мулкчилик ва уни тасарруф этиш каби янгиликлар ёшлар онгига, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатяпти.

Келажакда ёшларнинг ҳалол яшаши, мўл-кўлчилик яратиши учун фақат меҳнат қилишга йўналтириш, барча миллатлар билан дўст бўлиш руҳида тарбиялаш керак.

Халқ таълими тизимини тубдан яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида ривожланишини кўзда тутиб, ёш авлоднинг таълим-тарбиясини маълум бир йўналиш бўйича тарбиялашнинг асосий дастурини ишлаб чиқишни таклиф қиламан. Шунингдек, таълим-тарбиянинг демократик тизимига хос ғоя аниқ ва равшан кўрсатилиши, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланиши лозим. Шунда демократик тизим ўз самарасини бериши ва халқ таълимида кўзланган марралар амалга ошиши турган гап.

Н. МЕЛИКОВ,
Шаҳрисабз районидаги Увайсий номли ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

Ўзбекистон—Ватаним менинг!

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ОНА ЮРТИНИ

Торларни чертишга, пардалар устида йўргалашга, ёр сочини силашга мойил бўлган бармоқлар кези келганда милтиқ тепкисини ҳам босишга моҳир бўлмоғи зарур. Зеро, Ватанни фақат мард йигитларгина қўриқлай олади. Қўрқоқларга бахт қаёқда дунёда! Рўзномамизнинг Оҳангарондаги мухбирлар пости раҳбари Мўмин Қаюмов шу мавзу доирасида Оҳангарон район мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғи, подполковник Элдор Нодирович АСАДУЛЛАЕВ билан мулоқот қилди.

— Элдор Нодирович, жумҳурият мустақиллиги эълон қилиниши билан унинг миллий армияси ҳам ташкил этилгани жуда қувончли бўлди. Фикри ожизим ноқис бўлмаса, ҳозир бизнинг мустақил армиямиз шаклланмоқда. Айни пайтда барча районлар ҳокимияти қошида мудофаа ишлари бўлими ташкил этилдики, Сиз Оҳангаронда ана шу бўлимнинг биринчи бошлиғи бўлиб тайинланганингизга ҳам ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу бўлимнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб бермангиз.

— Агар қисқача изоҳ берадиган бўлсам, республикалар мустақилликка эришганларидан сўнг уларнинг ўз миллий армиялари ҳам ташкил бўлиши муносабати билан Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қуйи звеноси сифатида район ҳокимияти қошида ташкил этилган мудофаа ишлари бўлими ўз фаолиятини уч йўналишга қаратади: ёшларни ҳарбийга чақириш ва уларни ҳарбийлар сафига тайёрлаш; ҳарбийлар ва ҳарбий ёшдагиларни ижтимоий ҳимоя этиш ва фуқаро мудофааси ҳамда ДОСААФ ташкилотларига амалий ёрдам бергани ҳолда уларга зарур раҳбарликни таъминлаш. Бўлимда бу ишлар билан бевосита махсус зобитлар шуғулланишади.

Тўғри, янги бўлимнинг ҳали махсус тизими ва йўриқлари ҳали изчил ишлаб чиқилмаган. Бироқ биз амалдаги қонунлар ва Республика Президенти ва мудофаа вазирининг фармон ва буйруқлари билан ўз фаолиятимизни давом эттираверамиз. Бу орада, шубҳасиз, тажрибалар ҳам тўпланади.

— Иқрор бўлиш керакки, ҳозирги пайтда ўсмирларни ҳарбийлар сафига жалб қилиш жуда қийин кўчаётганидан, уларнинг айримларини ҳатто ҳарбий қисмлардан ҳам кетиб қолаётганидан хабар топаяпмизки, бу жуда ачинарли ҳол бўлиши билан бирга илгари бундай кўнгилсиз ҳодисалар деярлик мутлақо бўлмасди.

— Фикрингизга юз фоиз қўшиламан. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда ўсмирларни армия сафига юбориш жуда қийинлашиб қолди. Одамларга берилган демократик ҳуқуқлар анчагина ота-оналар, хусусан ўсмирлар томонидан суиистеъмол қилинаётир. Айрим ёшлар нафақат ҳарбий қонунларни, ҳатто Президентнинг шу ҳақдаги фармонларини ҳам бузмоқчи бўлаяптилар, унга бўйсунмасликка ҳаракат қилаяптилар. Мен шу ерда бир нарсани айтиб ўтишим керак. Биз ҳарбийдан бўйин товлаган ёки чақириқ кунига атайлаб келмаган йигитларни тўғри тергов органларига ҳавола этишимиз мумкин эди. Бироқ балки йигитлар ҳам ахир тушунишар, ота-оналар ҳам бу масалага жиддийроқ қарашар, деган андишада турибмиз.

— Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир йигит аскарликка чақирилиб, шу йилнинг 5 июнь куни белгиланган пунктга етиб борган экан, аниқроғи, у Фарғонада ҳарбий хизматни ўташ лозим эди. Афсуски, у армиядан қочиб келди. Атиги иккиуч ой хизмат қилиб, аскарликдан кетиб қолган йигитнинг тақдири билан на сизларнинг зобитларингиз, на милиция ва на ўзи хизмат қилиши керак бўлган ҳарбий қисмдан бирон киши қизиқмаётгани жуда ғалати эмасми?

— Республика Президентининг фармони билан барча миллий-маҳаллий йигитлар ўзга жумҳуриятлардан чақириб олинди. Ўзбекистон барча вилоят ва шаҳарларида янгидан ташкил этилаётган армиянинг қисмлари ташкил этилаётир. Албатта, ҳозирги иқтисодий буҳронли даврда бу ишларни шаҳдам бошлаб юбориш анча мушкул. Вақти келганда уйингизга тўсатдан тўртта меҳмон келиб қолса, ўтирғизгани жой тополмай қоласиз. Албатта, бу нуқсонлар тезда барҳам топади. Аммо қочоқларга келсак, бу ўтакетган номардлик эмасми? Бир нарса мени доимо ташвишга солади. Мустақиллигимизни, мустақил Ўзбекистонни наҳотки, сиз юқорида эслатиб ўтган қўрқоқ, Ватан ва халқ олдидаги бурчларини мутлақо унутиб қўйган, Ватан ва халқнинг ҳимояси, осойишталиги билан мутлақо шуғулланишни истамаётган, яна айтаман, қўрқоқ йигитлар ҳимоя қилсалар! Ахир йигитларимиздаги номус, орият, қадриятларимиз, мардлик ва жасоратларнинг ўрнини наҳотки, калтабинлик ва қўрқоқлик эгаллаган бўлса? Агар худо кўрсатмасин, бир фалокат юз берса, халқни шу қўрқоқлар ҳимоя қилишадими? Қўрқоқлардан эса кўпинча хоинлар, сотқинлар ҳамда жосуслар униб чиқади. Буни унутмаслик керак.

Баъзан айрим ота-оналар келишиб, ўғилларини армиядан қолдириш учун турли баҳоналар кўрсатишади. Мен бир нарсага ҳайронман, армиядан қолган йигит ўз тенгдошлари ичида, севган қизи олдида, қолаверса, маҳаллакўйда қандай қилиб бош кўтариб юраркин?

— Сўнги пайтларда «Муқобил хизмат» деган тизим ҳам жорий этилмоқда. У қандай хизмат турига киради?

— Республика Президентининг фармони билан барча йигитларимиз, боя айтганимдай, Украина, Кавказорти, Белорус, Болтиқбўйи республикаларидан чақириб олинди. Аммо собиқ Иттифоқдан қолган касал: фармон ва буйруқларни бажаравермаслик бизнинг ҳарбийларда ҳам учраб туради. Аммо уларнинг аксарияти республикага қайтиб келди ва бундан кейин ҳамма йигитларимиз фақат Ўзбекистон худудида хизматни ўтайдилар. Мабодо чет элларда хизматни ўтовчилар топилса, улар учун ҳам имкон бор. Бунда ҳарбийга чақирилувчининг аризаси, унинг ота-онасининг розилиги асосда маълум шартнома тузилади ва ҳарбий хизмат шундан кейингина чет элларда ўталади.

(Давоми 2-бетда).

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат" га

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома "МАЪРИФАТ" 64595 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

п. в. жойи

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64595 (нашр кўрсаткичи)

"МАЪРИФАТ"

(нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш — Баҳоси Сўм — Баҳоси Сўм — Обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН — АМАЛДА

ШАХСИЙ ТАШАББУС МЕВАЛАРИ

Она тилимизга давлат тили ҳуқуқи берилганига уч йил бўляпти. Айрим диққатга сазовор ишлар қилинди. Кўп жойларда кенг дастурлар тайёрланиб, босқичма-босқич рўёбга чиқариляпти. Лекин бу борадаги ишлардан ҳали кўнгил тўлмаётир.

Самарқанд давлат дорилфунуни — минтақадаги катта ва нуфузли олий ўқув юрти. Хўш, бу ерда давлат тили ҳақидаги Қонун юзасидан нималар қилиндию, яна қанақа чора-тадбирлар кўрилмоқда? Тарих фанлари доктори, профессор Мавлон ЖУРАҚУЛОВ билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

— Мавлон Жўрақулович, биласиз, давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганига уч йил тўляпти. Лекин жойларда бу ишга амалий тарзда киришганлар кўп бўлса-да, калаванинг учини тополмай юрганлар ҳам учрайди. Бу дорилфунунда эса давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга оширишнинг маълум тизими вужудга келганидан хабаримиз бор. Айтинг-чи, Қонунни рўёбга чиқариш учун иш аслида нимадан бошланган?

— Шу қонунга интиқ бўлиб кутиб тургандик. Дарҳол дорилфунун бўйича фаолият кўрсатадиган комиссия ташкил этдик. Комиссиянинг иш режаси тузилиб, тадбирлар белгиланди.

Тадбирларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилмайдиган гуруҳларда давлат тилини ўқитишни жорий қилиш ва эски ўзбек ёзувини ўрганиш курслари ташкил этиш кўзда тутилди. Тадбирларда ижрони текшириш ҳам эътибор берилди. Масалан, иш қоғозлари ва ҳужжатларни давлат тилида юритиш муддатлари кўрсатилди. Бунда факультетлар, бўлимлар ва кафедраларда ким нимани қачон адо этиши аниқ кўрсатиб қўйилди. Тадбирнинг ижросини текшириб, қилинган ишларга баҳо беришда бу тартиб яхши натижа бераётганини амалда кўриб турибмиз.

Яна бир гап. Тадбирларнинг амалийлиги юзасидан изчил назорат ўрнатилди. Албатта, бир ой-ярим ойда тил ўрганиш мушкул. Лекин бу иш изчил бориши, кундалик ҳаётда ҳам яққол ўз ифодасини топиши кузатиб борилди. Ходимларга давлат тилини ўргатиш амалий натижалар бериши керак. Йиғилишларни ўзбек тилида ўтказиш ўзига хос текширув ролини ҳам ўтамоқдаки, Қонуннинг рўёбга чиқишида бу амалийликни яамоён қилиб турибди. Ёки техника воситаларини ўзбекчалаштиришни олайлик. Айтиш керакки, матнни ўзбекча ҳарфларда кўчириш ҳам малакани оширади.

Бу ишлар қандай боряпти, нималарга эришилдию, энди қайси жараёнларга эътиборни кучайтириш кераклиги ҳақида ҳар йили айрим хулосалар чиқариш анъана бўлиб қолди. Аҳволга қараб, йил бошида комиссия таркиби ва иш режасига ўзгартиш, қўшимчалар киритишни ҳам одат қилдик. Бундай анъана ва одатлар ишда бурилиш нуқталарини аниқлашга имкон яратмоқда.

— Давлат тили ҳақидаги Қонун ижросини назорат қилиш усул-услуби ё шакли хусусида бир мисол келтиролмайсизми?

— Аниқ мисол тарзида айтиш мумкинки, ўтган йил якунланаётган вақтда, 1991 йил 19 декабрда илмий кенгаш йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда дорилфунун факультетларараро инсонпарварлик ва ижтимоий-сиёсий кафедралар вакиллари иштирок этишди. Унда ректорат томонидан назорат тартибида сиёсий иқтисод, фалсафа, рус тили, жисмоний тарбия, педагогика каби 14 кафедрада давлат тили ҳақидаги Қонуннинг ижроси кўриб чиқилди.

Факультетларараро ўзбек тили кафедраси мудири, профессор Назар Ражабов ўз маърузасида қилинган ишларни умумлаштириб, бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини чуқур таҳлил этди. Илмий кенгаш бу масала бўйича қарор қабул қилди. Қарорда кўзда тутилган масалалар қандай рўёбга чиқарилаётганининг дастлабки босқичига якун ясаш палласига кирилди.

Шу йилнинг февраль ойида ректор буйруғи билан алоҳида комиссия тузилди. Душан Файзиев раислик қилаётган бу комиссия дорилфунун илмий кенгашига масала тайёрламоқда. Барча факультетлар, бўлимлар, кафедралар, ётоқхоналарда давлат тили ҳақидаги Қонуннинг амалга оширилишини чуқур текширувдан ўтказилди. Комиссия ўз хулосаларини муҳокамага киритишга тайёрламоқда.

— Амалий аҳамиятга эга яна қандай тадбирлар кўрилди?

— Тил ўрганиш амалий машғулотларни кўпроқ бажаришни тақозо этади. Шунга кўра, давлат тилининг талабалар ва профессор-ўқитувчилар фаолиятидаги ўрнини тиклашга оид қатор ишлар қилинди. Чунончи, ёзув машинкалари (улар 60 тага яқин) ўзбек имлосига мослаштирилди. Ўзбек тилини етарли даражада билмайдиган ходимлар учун 18 та алоҳида гуруҳ ташкил қилинди. Бу ҳақда раҳбариятнинг махсус буйруғи ҳам чиқарилди.

Дорилфунуннинг ўзбек тилида ўқитилмайдиган гуруҳларида (1—2-курсларда) давлат тилини ўқитишга жиддий киришилди. Факультетлар, бўлимлар ва кафедралардаги „кўргазмалар ва кўрсаткичлар давлат тилида қайта ёзиб чиқилди. Бугина эмас, дорилфунунда ўтказиладиган илмий кенгашлар, ишлаб чиқариш мажлислари, деканлар билан бўладиган йиғилишлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан олиб бориладиган тадбирларнинг барчаси ўзбек тилида ўтказиляпти.

Тил ўзлаштиришнинг амалий жиҳатини чуқурлаштиришнинг бошқа чоралари ҳам кўрилмоқда. Ҳар йили октябрь ойида давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганлигининг йиллик байрамларини ўтказиш анъанага айланди. Ўзбек тили ўқиш-ўқитиш жараёнига қанчалик сингиб бораётганлигини кўрикдан ўтказиш мақсадида бу йил октябрь ойида ҳам тил байрами нишонланади. Унга ҳозирданоқ пухта тараддуд кўрилмоқда.

— Турли фанлар бўйича атамашунослик луғатлари тузиш тилдаги амалийликни ҳаётга яқинлаштиради. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, атамаларни ўрганмасдан туриб давлат тилини чуқур ўзлаштириш қийин. Бу жабҳада «Самарқанд дорилфунуни» кўп нусхали рўзномамиз катта амалий ёрдам кўрсатяпти. Рўзнома саҳифаларида олимлар, талабаларнинг давлат тилига оид турли мақолалари, шунингдек, физика, кимё, жуғрофия, биология ва бошқа фанларга бағишланган атама луғатларига доир материаллар ёритиб бориляпти.

Дарвоқе, 1990 йилда ташкил қилинган факультетлараро ўзбек тили кафедрасининг фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Кафедра давлат тили ҳақидаги Қонунни амалиётга тадбиқ этишда кенг фаолият кўрсатмоқда. Кафедра ходимлари дорилфунун олимлари ва талабаларнинг республика, вилоят матбуоти саҳифаларида босилиб чиққан турли мақолаларини жамлаб, «Она тилимиз — жону дилимиз» номида тўплам тарзида нашр этдилар. Бу кафедрада рус ва тожик гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш бўйича 240 соатлик дастур тайёрланди. Дорилфунуннинг барча факультетлари учун ўзбек гуруҳларига «Ўзбек тили ва ўзбек адабиёти»дан ўтиладиган 70 соатлик машғулотларга ҳам махсус дастур ишлаб чиқилиб, нашрга топширилди. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг «Ўзбек тили курсидан материаллар» ўқув-услубий қўлланмасини чоп этишга киришилди.

Шуниси қувончлики, куллиётлар ва кафедраларда фаолият кўрсатаётган олимлар атамашунослик луғатларини тузишда енг шимариб ишга киришдилар. Атамашунослик комиссияси олимларнинг бу жабҳадаги ҳаракат ва ташаббусларини йўналтириб турибди.

Атамашунослик соҳасида олиб борилаётган ишларнинг дастлабки якунларига назар ташласак, бу жабҳада дадил иш қилинаётганига шоҳид бўламиз. Масалан, атамашунослик луғатларини мунтазам тарзда ҳар уч ойда нашр этиб туришга эришилмоқда. Шундай луғатларнинг биринчиси физика факультетида яратилди. У физика фанининг долзарб масалаларини қамраб олган.

Бугунги кунда ҳуқуқшунослик куллиёти доценти Зиёдулла Муқимов ҳуқуқшунослик фани атамалари луғатини тайёрлаб бўлди. Биология ва кимё фанларига доир атамалар луғатини тузиш ишлари якунланай деб қолди.

— Лозим кўрсангиз, давлат тили ҳақидаги Қонунни жорий этишда рўй бераётган қийинчиликлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Гапнинг очиғи, камчилик, қийинчиликлар, муаммолар оз эмас. Ҳанузгача барча жабҳада давлат тилида тўла иш юритишга эришолганимиз йўқ. Чунки айрим ҳужжатларни расмийлаштириш бошқа идораларга ҳам боғлиқ. Дорилфунун ҳисобчилик бўлими, қанча уринмасин, давлат банки томонидан турли қаршиликларга учрамоқда. Кадрлар бўлими ва девонхонамиз ишини ҳам қайтадан ташкил этиш хусусида ўйлаяпмиз. Чунки буйруқларни тайёрлашдан тортиб, унинг амалга оширилишигача бўлган жами жараёнлар шу бўлимларнинг фаолиятига боғлиқ. Лекин бу жойлардаги аҳвол бизни тўла қониқтирмаётир.

Эски ўзбек ёзувини тадбиқ этишда ҳам қийинчиликлар бор. Тўғри, юқори босқич талабалари истак-хоҳишларига кўра, эски ўзбек ёзувини ўрганиш йўлга қўйилган. Икки йилдан буён бундай курслар фаолият кўрсатяпти. Лекин барча курслардаги талабаларга эски ўзбек ёзувини ўргатиш оммавий йўлга қўйилганича йўқ. Ўзбек филологияси факультети ташаббуси билан эски ўзбек ёзувини ўқитишни янги ўқув йилидан бошлаш, заруратга қараб «Эски ўзбек ёзуви, тил тарихи ва шевашунослик» кафедраси ташкил этиш ниятимиз ҳам бор.

Дорилфунун ходимлари ўқуви сифатига эътибор кучайтирилиши керак. Яқинда алоҳида буйруқ чиқарилди: 234 ходим 18 гуруҳга бўлиниб, давлат тилини мунтазам ўргана бошлади. Бу ишда назорат ўрнатдик. Шу йўл билан давлат тилини ўрганишдаги сусткашлик, ўзибўларчиликнинг олдини олишга киришдик.

— Келинг, хотиржам бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Сизнинг Қонун ҳақидаги фикрингизни ҳам билмоқчи эдик.

— Яхши савол қўйдингиз. Давлат тили ҳақидаги Қонун чиққандан буён анчамунча ишлар қилинганди. Лекин амалдаги Қонун такомиллаштирилишига муҳтож. Бунинг биринчи сабаби шуки, давлат тили ҳақидаги Қонун ҳали собиқ СССР ва Иттифоқ ҳукм сураётган шароитда қабул қилинганди. Энди эса аҳвол ўзгарди. Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб қолди. Бу ҳолат давлат тили ҳақидаги Қонунни қайта кўриб чиқишни тақозо этади, деб ҳисоблайман.

Суҳбатдош
Жўра ХОЛҚОСИМОВ.

Ёш бола тарбиясида тарбиячининг масъулияти чексиздир. Буни дил-дилдан ҳис қилган Зулфия Равшанова 6 йилдан буён Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясидаги «Мунис» болалар боғчасида кичкинтойларга парвона.

СУРАТДА: Зулфия Равшанова кичик гуруҳ болалари билан.

Умарали ХУШВАҚТ олган сурат.

Атроф-муҳит ва мувозанат

БИР БУТУН ГЎЗАЛЛИК УЧУН

Ҳаёт ҳақиқати, инсоният бошидан кечираётган воқеа-ҳодисалар силсиласидан хулоса чиқариб, ниҳоят, бир тўхтамга келиш мумкин. Яъни, ҳар қандай жамият, уюшма ёки қурилмалар ўзгариб кетиши, остин-устун бўлиши мумкин, аммо атроф-муҳит муаммоси ҳар қачон, ҳар ерда ҳам мудом долзарблигича тураверади. Зеро, экология мавзуси ер юзи учун доимо бир бутундир...

«Экология» деган сўзни тобора кўпроқ ишлатяпмиз-у, унинг ўзи қаердан келиб чиққан, маъноси нима, бу томонларга унчалик эътибор бермаймиз. Луғатларга қарасак, «Экология» юнонча сўз бўлиб, атроф-муҳитни ўргатадиган фан дегани экан. Бунинг маъносини тўлалигича акс эттирадиган сўз ёки ибора ўз она тилимизда йўқмикин? Ушбу мавзу билан, наҳотки, эндигина шуғулланила бошланди?..

Бундай саволлар қаршисида, дарҳақиқат, бир зум тек туриб қоламиз. Хаёлан ўтмишимизга, бу соҳада қилинаётган ишлар, ёритилаётган асарлар салмоғига қайтамиз ва, экология деганлари инсоният билан мудом ёнма-ён яшаб келганлигига иқрор бўламиз. Узоққа бормасдан, ўзбек халқи ҳаётини олиб кўрайлик. Бизда покизалик деган сўз бор. Хўш, покизаликни қадрламайдиган бирон инсон зоти орамиздан топилармикан? Ёки, бадиийтни таҳлил қиладиган бўлсак, гўзаллик, иффат, покизалик тараннум этилмаган бирон асарни учрата оласизми? Ҳар ким маълум маънода бу соҳага эътибор берган, ўз нуқтаи назарини бадиий йўсинда ифода этишга баҳоли қудрат уринган. Чунки, покизалик — ҳаётий эҳтиёж. Бундан кўз юмиш асло мумкин эмас. Фақат мувозанат кескин бузилмаганлиги учун бу соҳадаги кураш бизга унчалик сезилмай келди. Энди бўлса, атроф-муҳит шу қадар шиддат билан, заҳарлана бошладики, ҳаммамиз бараварига жон ташвишига тушиб қолдик.

Бора-бора атроф-муҳитга нисбатан инсоннинг тажовузкорлиги кучаяверди. Шунинг баробаринда табиат жонкуярлари овози ҳам тез-тез эшитила бошлади. Айниқса, бу ҳол саксонинчи йиллар — ошкоралик туғилган даврга келиб кучайди. Ёзувчилар уюшмаси йиғинларида «Ер, экология, қайта қуриш» масалалари қайта-қайта муҳокама этилган эди. Кўп ўтмай, катта масалалар муҳокамасига ёзувчилар билан бирга олимлар, ўрмончилар, иқтисодчилар, мелиораторлар, гидролог ва кўплаб бошқа соҳа кишилари жалб этилди. Гап Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизилишига қарши бормоқда эди. Масаланинг умумхалқ ҳаракатига айланиб кетишидан чўчиган шу пайтдаги партия ва ҳукумат раҳбарлари миллион-миллион сўмлаб маблағ сарфлаб қўйилган ишдан воз кечдилар. Шундай қилиб, табиат мувозанатига кучли салбий таъсир этиши мумкин бўлган катта ҳаракат тўхтатилди. Украинада ҳам «аср қурилиши» деб номланган «Днепр-Днепр» канали бошланмасдан қолди. Табиат муҳофазаси учун курашаётганларнинг дастлабки катта ғалабаси эди бу...

Афсуски, Ўрта Осиё томонларида инсоннинг кўр-кўрона, айтиш мумкинки, тажовузкорона аралашиши натижасида бу даврга келиб гўзал табиат бағрида катта ўпирилишлар, йўқотишлар содир бўлган эди. «Биз географияни алдаяпмиз», — деб ёзган эди Черниченко «Литературная газета»нинг 1989 йил 25 январь сонида. — Қорабўғоз кўрфази картага киритилган, аммо ҳақиқатда унинг ўзи ҳозир йўқ. Ярмидан кўп сувини йўқотган Орол эса гўё қадимгидек бус-бутун. Олти минг квадрат километрли Арнасой, Қорақум каби пайдо бўлган катта-катта кўллар эса хариталарда ўз аксини топмаган. Албатта, гап фақат харитада эмас, тирикчиликнинг муҳим мезонларидан бири бўлмиш об-ҳаётнинг инсон томонидан бемаврид исроф қилиниши, экологик мувозанатнинг кескин бузилиши хусусида бормоқда. Харитада қадимгидек тўлақонли тасвирланган Амударё ва Сирдарё аслида Оролга етиб бормаяпти, аҳир!..» Иш ўтиб, «поезд кетиб» бўлгач, Ўрта Осиё, хусусан, Орол ҳақида бундай ақлли гапларни Ю. Черниченкодан бошқалар ҳам айтишган. Ҳатто, «Орол-88» экспедицияси ташкил қилиниб, Помир тоғларидан то денгиз бағригача икки ой давомида ўн уч минг километрлик йўл босиб ўтилган. Аммо бу ҳаракатлардан Оролга мадад бўлувчи бирон салмоқли наф чиқмади-ку! Шу ўринда оддий бир мантиқсизлик кишини ажаблантиради. Ўрта Осиёнинг ҳамма тарафида сув омборлари қуриш, каналлар қазиш, экстенсив йўл билан бутун-бутун чўлларни ўзлаштириш пайтида собиқ Иттифоқнинг узоқни кўра билувчи ақлли, башоратчи зиёлилари нега жимгина ўтирган эдилар? Сибирь дарёларидан сув олиш ҳаракати бошланганда нима учун ёппасига бош кўтариб қарши чиқдилар? Назаримизда, бу ҳам бир томонлама олижаноблик, мардлик бўлса керак. Яъни, «ўзимизнинг уйимиз тинч бўлса бас, бошқалар билан нима ишимиз бор», деган хомхаёлдан бошқа нарса эмас бу. Афсуски, Ер деб, ном олган сайёрамизнинг унчалик катта эмаслиги, унинг бирон бўлагидаги ўпирилиш бошқа жойига, албатта, жиддий таъсир этишини ул жаноблар билиши лозим эди. Айниқса, ёзувчи деб аталмиш мўътабар ном эгалари бу йўлда хато қилмасликлари керак. Чунки улар халқнинг назарида ҳалол, адолатпарвар кишилардир.

Ер юзини — гўзаллик, покизалик, умуман олганда, атроф-муҳит мувозанатини яхлитлигича ҳимоя қилиш кераклигини ҳаётда бир қадам олдинда юрувчи зиёлилар, хусусан, адиблар эндиликда яхши тушуниб етган кўринадилар. Шунинг учун, бўлса керак, турли миллат ва элатларнинг ёзувчилари атроф-муҳит муҳофазаси учун тобора якдил ва ҳамжиҳатлик билан киришмоқдалар. Турли жанрларда яратилган асарлари орқали ушбу мавзу юзасидан кескин чиқишлар қилаётган Ў. Сулаймонов ва В. Астафьев, Ч. Айтматов ва В. Белов, Т. Қаипбергенов, Д. Кугультинов, А. Мухтор, В. Распутин ва О. Ёқубов каби кўплаб адибларни эзгу ниятли ҳамнафаслар дейиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги ёши ўтиб қариб қолган, зўравонлик ва сохтакорлик асосида яшаб келган жамият тазйиқи остида обдон ҳориб-толган. Шундай бўлса-да, тинч ўтиришмайди, ёзишади, йиғинларда сўзлашади, хуллас, халқнинг кўзини очиш, кучайиб бораётган экологик фалокатнинг олдини олиш учун ҳамма имкониятларини ишга солишмоқда. Адиблар турли услуб, ҳар хил жанрларда ижод қилсалар-да, мақсадлари бир хил — Она табиат дардига малҳам топиш. Масалан, В. Астафьев «Балиқ шоҳ» қиссаси орқали инсоннинг табиатга ёвузларча офат келтиришини ифодаласа, В. Распутин «Матера билан видолашув» асарида мамлакатни ривожлантириш учун қилинаётган ишлар замирида нақадар фожиали мазмун борлигини вазминлик билан бадиий бўёқларда акс эттиради. Хусусан, Ангара дарёсида кучли гидростанция қурилиши оқибатида мўъжазгина ҳаёт давом этиб турган Матера ороли ҳамманинг кўз ўнгида сув қаърига чўкиб, йўқ бўлади. Бу ишга одамларнинг муносабати турлича: баъзилар «қонун буюрдими, демак, шундай бўлиши керак», деб ўйлайди. Айримлар кўз ўнгидан эса Она оролчанинг бутун туриш-турмуши, бор бисоти-ю кўрки сира-сира ўчмайди. Улар умр бўйи бегуноҳ заминни қўмсаб ўтадилар. Бадиий йўсин билан инсон онгига таъсир ўтказиш борасида ўзбек адиблари ҳам борган сайин ўзларига хос салмоқли асарлар яратмоқдалар. Лекин Валентин Распутиннинг «Матера билан видолашув» қиссасидаги Дарья буви Асқад Мухторнинг «Чинор» романидаги Очил бувага, Қайсин Қулиев асаридаги Қандим ота Б. Худойназаровнинг «Оқсоқол»идаги Алланур оғага нимаси биландир ўхшаб кетади. Умри тугаб бораётган бу инсонлар келажак авлод олдида юзи қора бўлишдан қўрқиб эзиладилар, невара-чеваралари соғлом, ҳур ҳаёт кечиришларини истайдилар. Бу ниятнинг ўзига хос бир нозик жиҳати бор. Бу ҳам бўлса турли давлат ва миллат адибларининг бир мақсад учун курашда бир-бирларига ўргатиш ва бир-бирларидан ўрганишидир. Ҳар қандай шахсиятпарастлик, ғаразгўйлик ёки бошқа зарарли одатлардан ҳоли бўлган бу ҳамкорлик ер юзида покизалик, мусаффолик, яъни пировард натижада ҳаётнинг тугаши эмас, гуллаб-яшнаши учун курашишга хизмат қилади. Табиатнинг, ҳаётнинг ҳақиқий жонкуярлари бу масъулиятни чуқур англаган ҳолда умумманфаат ишига ўз улушларини қўшмоқлари даркор ва шундай бўляпти ҳам.

Республикамиздаги энг сўлим гўшалардан бири бўлмиш Бўстонлиқ табиатини сақлаб қолиш учун бўлган курашларда бундай ҳамкорликнинг чин намуналарини кўрганмиз. Йиллаб давом этган кескин баҳсларда покиза ҳаётнинг толмас курашчилари Дадахон Нурий, Мирзо Кенжабек каби ўзбекистонлик навқирон адиблар қаторида москвалик иқтидорли журналист Александр Минкин ҳам то ғалабага қадар ёнма-ён турган эди! Бундай инсонлар ким ва нима учун курашаётганларини яхши билишади. Уларнинг қаричи калта эмас, яшаб турган сайёрамиз нақадар кичкина ва тобора танг аҳволга тушиб бораётганини улар жуда теран ҳис қиладилар. Дарҳақиқат, ер юзида гўзаллик ё бир бутун бўлади, ёки ундан бутунлай айриламиз. Буни нафақат адиблар, ушбу заминда нафас олиб турган ҳар бир инсон унутмаслиги керак.

Г. АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори.

ДЎППИНИ ЁНГА ҚЎЙИБ...

Табиатнинг аҳволи тобора ёмонлашиб бормоқда. Бу асосан, экологик тушунчанинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Мен биолог ўқитувчи сифатида экология ва табиатни қўриқлаш биринчи навбатдаги вазифамиз бўлиши керак, дейман. Экологиянинг бузилиши натижасида сариқ, тиф, қон босими, камқонлик каби касалликлар оқибатида ўлаётган, умрбод майиб-мажруҳ бўлаётган одамлар кўпаймоқда.

1987 йилдан буён мактабимиздаги ҳамма синф ўқувчиларига тарбиявий соатларда экологик тарбия бериб келинаяпти. Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат манбаларидан самарали фойдаланишнинг 2005 йилгача мўлжалланган дастури ҳамда мактабимиз тажрибаси асосида «Экология» дастури яратилди. Бу ўтган ўқув йилида районимиздаги 15 та мактабда мустақил дарс сифатида ўтилди.

Инсон ўзи яшаётган табиатни озода сақламаса, ҳеч ким уни тозалаб бермайди. Шунинг учун табиатни тушунтириш бўйича камданкам ўтилаётган дарс ва машғулотлар билан чекланмаслик, мактабларда махсус экологик таълимни жорий этиш керак, деб ўйлайман.

Д. ТЕМИРОВ,
Тошкент вилояти Бўка районидаги Бобур номли мактабнинг илмий бўлим мудири.

КАТТА ТААССУРОТЛАР БИЛАН

Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур райони тарих-жуғрофия ўқитувчиларининг «Ўзбекистон халқлари тарихи дарсида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш» мавзуидаги семинар йиғилиши бўлди. Мазкур тадбир шу ноҳиядаги 41-ўрта мактабда ўтказилди. Семинарга йиғилганлар очиқ дарсларда қатнашиб, илғор ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услубларини, янги йўл-йўриқларни ўргандилар .

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ОНА ЮРТИНИ

(Боши 1-бетда).

Муқобил хизматга келсак, ўзингизга маълумки, ҳозир Ўзбекистоннинг айрим минтақаларида ишчи кучига эҳтиёж сезилаётир. Оилалик, ота-онаси ночор яшаётган ўсмирлар район мудофаа ишлари бўлими қошидаги махсус комиссияларнинг қарори билан, бу комиссияга район ҳокимларининг ўринбосарларидан бири раислик қилади, ишчилар кўпроқ керак бўлган жойларга юборилади. Аммо иқрор бўлиш керакки, муқобил хизмат, ҳақиқий ҳарбий хизмат сингари бир ярим йил эмас, унда йигитлар икки йил давомида оғир ишларда ишлашади, иш ҳақларининг 20 фоизи давлат ҳисобига ўтказилади.

— Яна ҳарбий хизмат соҳасига қайтсак. Ҳозирги йигитларнинг аксарисини армия сафларидан қочиб келаётганлигининг бош сабабларини мактаблардан излагим келади. Сўнгги пайтларда мактабларда ватанпарварлик таълими бироз бўшашгандай туюлади менга. Агар ҳарбий зобитлар билан мактаб ўқувчиларининг тез-тез учрашувлари уюштирилса, яхши бўларди. Яқин кунларда ҳам қишлоқ шўроларида ҳарбийга чақирилувчиларнинг ота-оналари билан ҳарбийларнинг, ҳарбий зобитларнинг учрашувларини ўтказиш анъанага айланганди. Бу жуда яхши фойда берган эди. Нимагадир бу тадбирлар қолиб кетди.

— Мен Оҳангаронга янгиман. Бу ишлардан хабарим йўқ, аммо сизнинг фикрларингизда жуда катта ҳақиқат бор. Биз энди бу ишларни давом эттирамиз, ёрдамдан эса қочмайсиз.

— Маҳаллий миллат вакилларидан зобитлар тайёрлаш қандай аҳволда?

— Агар Оҳангарон мисолида айтадиган бўлсам, кўнгилдагидек эмас. Ҳарбий билим юртларига атиги 10 йигитни юбора олдик, холос. Уларнинг орасида маҳаллий миллат вакиллари атиги 30 фоизни ташкил этади.

— Илгари муаллимлар ҳарбийга олинмас эди.

— Бу қонун ҳали ҳам амалда. Аммо бунинг учун ҳарбийга чақирилувчи олий ёки ўрта махсус педагогик маълумотга эга бўлиши керак. Борди-ю у мактаб директори, директор муовини, илмий мудир, бўлса, ҳарбий хизматга, албатта, бориши зарур. Кейинги фармонга асосан чўпонларнинг фарзандлари, кенжа ўғил ҳам ҳарбий хизматга олинмайди.

— Яна қочоқлар ҳақида. Ҳозир райондаги қайси қишлоқлардан қочоқлар кўпроқни ташкил этаётир?

— Айниқса, Телов ва Сусам қишлоқ Шўролари ҳудудларидаги аҳоли пунктларидан қочоқ йигитлар, ҳарбий хизматдан бўйин товловчилар кўпроқ учрайди. Биз ҳам энди қараб турмаймиз. Амалий тадбирларни қўллай бошлаяпмиз. Унинг яхши натижалар беришига ишонаман. Бироқ шуни такрорламоқчиманки, ота-оналар ҳам, йигитлар ҳам ҳарбий қонунларнинг бажарилиши қатъий ва даҳлсиз эканлигини зарача бўлса-да унутмасликлари керак. Ахир Ватан сарҳадларини мард йигитлар қўриқламаса, кимлар қўриқлайди? Бизга бу соҳада кенг жамоатчилик, қишлоқ шўролари, муаллимлар, мактабларнинг раҳбарлари, хўжалик бошлиқлари амалий ёрдам бериши зарур.

Биз ўз вақтида бутун дунёни ларзага келтирган, Осиёдан Европагача қурол кучи билан босиб олиб юз йилларча юртимизни топтаган чингизхонлар, бошқа босқинчиларни бир ҳамла билан тор-мор этган буюк соҳибқирон Амир Темур авлодимиз. Қонимизда жасур саркардалар Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Муқанна, Торобий, Ғўрўғлию Алпомишлар, Тўмарису Спитаменлар қони бор экан, мард бўлиб Ватанимиз мудофаасига отланмоғимиз даркор-қу! Мардлик эса бизга буюк саркарда боболаримиздан мерос. Уларнинг руҳи бизнинг қўрқоқлигимиз олдида уялмасин, биздан жирканмасинлар улар. Биз ҳамиша мардлар оиласида тарбия топдик. Мардлар эса Ватанни сергак қўриқлайдилар.

Мўмин ҚАЮМ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ОЛДИДАН

Маълумки, педагогларнинг ўзаро тажрибалар алмашишларида, мутахассисликлари бўйича қайта тайёрланиб, уни ҳаётга тадбиқ этишда, таълим-тарбия, раҳбарлик тажрибаларини ўрганишда мавжуд малака ошириш олий билимгоҳларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Чунончи, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти билимгоҳи айнан шу борада бир қатор ишларни амалга ошириб келаётганлиги, жумҳурият ўқитувчиларига кўрсатаётган кўплаб ғамхўрликлари таҳсинга лойиқдир.

Бугунги давра суҳбатимизда Халқ таълими вазирлиги таълим ва фан Бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Раъно Усмонова, Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти билимгоҳининг ректори, психология фанлари доктори Ғайрат Шоумаров, шу билимгоҳнинг методик ишлари бўйича проректори Карим Давлатов, олий билимгоҳнинг хўжалик ишлари бўйича проректори Ботир Худоёров, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва нашриёт бўлимининг бошлиғи Саидқосим Усмонов, малака ошириш мазмуни ва услублари лабораторияси мудири Акром Акмалов, жисмоний тарбия ва чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш кафедрасининг мудири, биология фанлари номзоди, доцент Талъат Усмонхўжаев ҳамда шу кафедранинг катта ўқитувчиси Пахриддин Хўжаевлар иштирок этишиб, институт жамоаси олдида турган долзарб масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қуйида ана шу давра суҳбати тафсилотини эътиборингизга ҳавола этамиз.

МАЛАКА ОШИРИШ: ТАДБИРЛАР ВА МУАММОЛАР

МУХБИР: — Халқ таълимини юксалтиришда, уни юқори поғоналарга олиб чиқишда институтнинг вазирликка кўрсатаётган ёрдами хусусида гапириб бермсангиз?

Р. УСМОНОВА: — Аввало, бир фикрни айтмоқчиманки, халқ таълими, унинг барча қирралари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Бирини иккинчисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жумҳуриятимизда мавжуд бўлган барча малака ошириш олийгоҳлари ана шу тизимда фаоллик кўрсатаётган педагоглар оммаси учун алоҳида сабоқ мактаби вазифасини ўтаб келаяпти, деганимда хато ҳисобланмаса керак. Эслатиб ўтиш керакки, малака ошириш билимгоҳлари орасида Марказий олий билимгоҳ бир неча йилдан буён бошқаларига ўрнак бўлаётганлиги сир эмас. Чунончи, унинг таркибидаги мавжуд кафедралар, бўлимлар, малакали мутахассислар билан тўлдирилган бўлиб, ўқитувчиларимизга сабоқ беришда, илғор тажрибаларни оммалаштиришда вазирликка яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

МУХБИР: — Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши муносабати билан К. Д. Ушинский номли ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий билимгоҳи А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий олий билимгоҳига айлантирилди. Назаримда, фақат унинг номи эмас, балки йўналиши, иш услубида ҳам ўзгаришлар бўлгандир?

Ғ. ШОУМАРОВ: — Мавжуд илмгоҳни ҳозирги илмгоҳга айлантириш баъзи бировлар ўйлаганидек, эски мазмунни сақлаган ҳолда «либос» шакл ўзгартириш эмас. Илмгоҳимиз мазмунан тузилиши ва ўз олдига қўйган вазифаларининг ўзгариши билан номини ўзгартишга ҳам олиб келди. Бу ҳақда халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ҳам ўз рисоласида атрофлича таърифлаб берган.

МУХБИР: — Кечирасиз, фикрингизни бўлмоқчиман. Малака ошириш билимгоҳлари тизимида кафедра билан кабинет орасида кўп мунозаралар бўлади. Кўриниб турибдики, буни қандай тушунмоқ керак? — деган саволнинг туғилиши табиий.

— Кафедранинг ҳам, кабинетнинг ҳам ўзига хос афзалликлари, заиф томонлари бор. Тўғриси, бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. Лекин бир нарса аёнки, Марказий малака ошириш олий билимгоҳи учун унинг тингловчилари раҳбар ходимлардан ва педагогика институтининг доцентларидан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда кафедра системаси мақсадга мувофиқроқдир. Шунингдек, олийгоҳнинг Бош олийгоҳ мавқеи ва жумҳуриятдаги 14 та малака ошириш илмгоҳлари учун илмий-услубий марказ эканлиги ҳам кафедра системасида бўлишни тақозо этади.

Вилоят малака ошириш илмгоҳлари (Тошкент вилояти малака ошириш илмгоҳидан бошқа) учун эса асосан, кабинет системаси бўлиши мақсадга мосдир. Умуман, кабинетни кафедрага қарши қўймаслик лозим. Ҳар бир илмгоҳ ўзида мавжуд бўлган илмий кадр, мутахассислар ўзининг олдига қўйган мақсад-вазифалари ва малака оширишдаги тингловчилар тоифасидан келиб чиққан ҳолда бу саволга аниқ жавоб излаши лозим:

МУХБИР: — Шу хусусда яна бир савол: малака ошириш илмгоҳларидаги кафедраларнинг педагогика институти кафедраларидан фарқи нимада?

— Малака ошириш илмгоҳидаги кафедра аъзоси илмий услубиётни, мактаб ҳақидаги билим ва тажрибасини ўзида мужассам қилган бўлиши лозим. Илмгоҳдаги кафедралар педагогика институтидаги кафедраларнинг модели эмас, балки ўзига хос алоҳида йўриққа эга бўлган кафедрадир. Бу масала кўп ўрганилди. Шу жиҳатдан, унинг талабларига жавоб бериш мақсадида 1992 йилнинг сентябридан бошлаб ҳар бир кафедра аъзоси ректордан тортиб ўқитувчигача мактабда ишлаши шарт. Иложи борича, ҳар бир ходимнинг мактабларда тажриба «майдончалари» бўлади.

МУХБИР: — Жиддийроқ назар ташлайдиган бўлсак, сиз раҳбарлик қилаётган институтга Марказий олий билимгоҳ мавқеи берилган. Демакки, масъулиятлар юксак даражада бўлиши билан катта муаммоларнинг шаклланиши ҳам шубҳасиздир.

— Албатта, энг юксак масъулият ўқитувчиларимизга керакли билим бериш, уларни қаноатлантиришдир. Шу қаторда муаммолар ҳам етарлича. Уларни кўпинча юзага келтирадиган ҳам, самарали ечадиган ҳам, ва ниҳоят, олдини оладиган ҳам мутахассислар масаласи. Ўнта маҳсулот бермайдиган ходимнинг ишини 1—2 киши бажарса, бу ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Демак, энг катта муаммодан бири — мутахассис масаласи. Сон жиҳатдан етарли, аммо малака ошириш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, талабларга жавоб берадиган мутахассисни топиш мураккаб иш. Шунингдек, жумҳуриятдаги малака ошириш илмгоҳларида илмий потенциалнинг камлигидир.

Педагогика институтларида талабани асосан профессор, доцент ва фан номзодлари ўқитса, малака ошириш институтларида эса олий маълумотли мутахассисларни ўқитадиганлар кўпинча илмий даражага, унвонга эга бўлмаганларни ташкил этади. Мана, бу эса мантиққа зид ҳолнинг бир кўринишидан далолат эмасми?

Малака ошириш олий билимгоҳларида жиддий илмий изланишлар ўтказилмаганлиги, илмий муҳитнинг йўқлиги, илмий даражаси бўлган методистлар маошининг олий ўқув юртларидагиларга нисбатан камлиги, ёшларда илмий ўсиш истиқболининг йўқлиги, кўпчилик илм аҳлининг йиллар давомида бу даргоҳларни четлаб ўтганлиги, ана шу даражага олиб келди. Шуни ҳам айтиш керак, айрим доцент, профессорларимизнинг мактаб, унинг ҳозирги ҳолати, муаммоларини билмаганлиги сабабли маърузалари тингловчиларга маъқул келмаяпти.

Буларни тўғрилаш мақсадида Марказий малака ошириш олий билимгоҳида аспирантура бўлими ташкил этилаяпти. Унга вилоят малака ошириш билимгоҳларидан истиқболли ёшлар ва мактаблардаги изланувчан ўқитувчилар олинади, уларга барча шарт-шароитлар яратилади.

МУХБИР: — Илгарилари педагогика ўқув юртларининг ўқитувчилари малака ошириш учун Москвага борардилар. Қанча саргардонлик, йўл азоби, бу ўқитувчига билимини тўлдиришдан кўра, асаб бузишга кўпроқ таъсир этарди...

— Фикрингизни англадим. Педагогика олий илмгоҳларининг ўқитувчилари бундан буён икки жойда — профессор К. Юнусов бошчилигидаги Низомий номли Тошкент педагогика институтида ҳамда бизнинг Марказий олий билимгоҳимизда малака оширадилар. Бугунги режаларимизга кўра, Марказий малака ошириш олий билимгоҳида физика, математика, информатика, ботаника, зоология, биология, экология, қишлоқ хўжалиги асослари, логопедия, сурдопедагогика, тарбиявий ишлар методикаси кафедраларининг ходимлари малака оширадилар.

МУХБИР: — Келтирилган мисолдан ҳам кўриниб турибдики, бу жуда катта иш. Аммо шунча мутахассисликларга яраша етарли база борми?

— Буларнинг ҳаммасига бир малака ошириш билимгоҳида база бўлишига имконият йўқ. Биз малака оширишда ҳар бир мутахассисни соҳаси билан боғлиқ бўлган етакчи илмий тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва энг муҳими, етакчи мактаб, коллеж, лицей, гимназиялар билан шартнома тузамиз. Марказий малака ошириш олий билимгоҳи айрим кун, соатлардан ташқари, институт ўқитувчиларининг малакасини ошириши такомиллаштириб боради ва мактаб ҳаёти билан яқиндан таништиради. Бу ишда аудиториялардаги анъанавий маъруза-возликдан воз кечилади.

МУХБИР: — Таълим ҳақидаги қонунни ҳаётга тадбиқ этишда Марказий малака ошириш билимгоҳи қандай ишларни режалаштираяпти?

— Улар жуда кўп. Чунончи, халқ таълими ходимларини қизиқтирадиган масалалардан бири тоифа бериш мезонларини қайта ишлаб чиқишдир. Тоифа бериш фақат малака ошириш билимгоҳларида бўлиши лозим. Шунингдек, унинг ўз йўллари бўлади.

МУХБИР: — Қизиқ, бир ой ичида ўқитувчининг тоифасини ошириш мумкинми? Хатоларчи, улар кўпайиб кетмасмикин?

— Ўқитувчи кўригидан олинган тажрибага кўра, у даъвогарлик қилаётган тоифага мослиги ёки аксини аниқлашга бир ой муддат етиб қолса керак. Бериладиган тоифа холисона бўлишини таъминлаш учун ишлаётган мактаби ёки ўзга таълим муассасаларининг тавсияномалари ҳам ҳисобга олинади.

МУХБИР: — Малака оширишда, аввалдан режалаштириш ҳозирги кунда ўзини оқлармикин?

— Айтиш керакки, режалаштириш турли тартибсизликларнинг олдини олишга имкон беради. Аммо режалаштириш пастдан, қуйи поғоналардан бошланиб, аниқ рақамларга таянган бўлиши лозим. Яъни, буюртма эҳтиёжидан келиб чиқиш керак. Ва, энг нозик жойимиз ҳам шундаки, малака ошириш, ўз устида доимо ишлаб бориш, таълим ходимларининг маълум қисми учун ички эҳтиёжга айланмаган. Малака ошириш тоифа билан, иш самарасини моддий манфаатдорлик билан рағбатлантиришга боғлиқ бўлмас экан, кўпчилик учун ички эҳтиёжга айланмайди.

Бизнинг мақсадимиз ҳар бир ходимнинг меҳнатга бўлган муносабати, иш маҳсулига қараб тоифаларга бўлиш ва ўз устида доимо изланиб боришга мажбур қилувчи омилларни топишдир.

МУХБИР: — Мана, ҳадемай, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари бошланади. Марказий олий билимгоҳ ҳам бу тадбирдан четда қолмаса керак, деб ўйлайман.

К. ДАВЛАТОВ: — Анъанавий август кенгашларида ўқитувчиларнинг малака ошириш муаммолари бўйича алоҳида шўъбалар ташкил этилиб, унда мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш вазифаларини бажарувчи таълим ходимлари ўзаро фикрлар, тажрибалар алмашиш йўли билан шу соҳадаги ишнинг самарадорлигини ошириш тадбирларини белгилаб оладилар. Бу шўъбаларни ташкил этишдан мақсад юқорида айтилганлар қаторида малака ошириш тизимини янги сифатга кўтариш ҳозирги ижтимоий зарурат эканлигидан келиб чиқади.

МУХБИР: — Касбий билимларнинг кун сайин ўзгариб, ривожланиб бораётгани малака оширишда ҳам янгича ўзгаришлар қилишни тақозо этса керак.

— Республикамиз халқ таълими тизимида малака оширишнинг мақсад ва вазифалари методик хизмат билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Мактабдаги, район, шаҳар, вилоят ва республикадаги методик хизмат тармоқлари таълим ва тарбия ишларининг замон талаблари даражасида бўлишини таъмин этиш мақсадларига хизмат қилади. Педагог кадрлар малака оширишнинг энг дастлабки босқичи сифатида мактабларда ташкил этиладиган ўқитувчиларнинг методик бирлашмаларида иш олиб боради. Хуллас, ҳар бир ишни қуйи босқичдан бошлаб ўзгартириб боришни даврнинг ўзи тақазо этмоқда.

МУХБИР: — Курсларга келаётган тингловчилар фақат лекциялар, семинарлар ўтказиш билан чегараланаётганларини ахён-аҳёнда гапириб қолишади. Уларнинг мустақил ишлашлари учун бошқа тадбирлар ҳам кўрилаётгандир?

— Билимгоҳимиз ходимлари, кафедраларнинг аъзолари ўқув йили мобайнида ўз соҳалари бўйича ўқув жараёнига оид барча материалларни бир тўпламда ишлаб чиқиши режалаштирилди. Мазкур тўпламда курс концепцияси, ўқув-тематик режа, дастур, семинар, давра суҳбатлари, баҳслар ва бошқа ностандарт дарсларга оид ўқув материллари, эркин тингловчиларга зарур бўлган ахборотлар, синов ва рефератлар учун саволлар, мавзулар жамланади. Тингловчилар курсга келган пайтда мазкур тўплам билан таъминланади ва курсдан сўнг ўзлари билан олиб кетиши ҳам мумкин. Ўз навбатида бу жараён тингловчиларни мустақил ишлашга, навбатдаги машғулотга жиддий тайёрланишга, тушунмаганларини ўрганиб олишга чорлайди. Шулар қаторида бошқа кўплаб тадбирларимиз ҳам борки, улар бевосита ўқитувчиларимизга хизмат қилишга мунтазирдир.

МУХБИР: — Марказий малака ошириш олий билимгоҳи жумҳурият муаллимларига ўз малакаларини ошириш, фан-техниканинг янги усулларини ўргатиш билан бир қаторда яна қандай қулайликлар, айтайлик, баъзи имкониятлар ҳам яратиб беришга қодирми?

Б. ХУДОЁРОВ: — Институтимизга келаётганларнинг кўпчилиги фақат «ўқиймиз», деган тушунчада бўлишади. Аслида эса, бошқачароқ. Масалан, шу пайтгача ўқитувчилар дарс ва лекциялардан сўнг маданий ҳордиқ чиқариш учун театр ва клубларга боришади. Шунингдек, бу ерда турли хилдаги қизиқарли кечалар, китоб ярмаракалари ташкил этиларди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан ҳозирда ўқитувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида махсус профилакторий ишга тушиш арафасида турибди. Назаримда бу, ҳар бир ўқитувчи учун зарур бўлса керак, деб ўйлайман. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, бизда кўпинча малака оширувчиларга мўлжалланган тадбирлар, аввало, улар билан маслаҳатлашилган ҳолда хоҳиш-истакларига қараб амалга оширилади.

МУХБИР: — Янгитдан ташкил этилган олий билимгоҳнинг илғор тажрибаларни оммалаштириш ва нашриёт бўлими олдида ҳам қатор вазифалар мавжуд бўлса керак?

С. УСМОНОВ: — Олий билимгоҳда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш энг зарурий фаолият соҳаларидан ҳисобланади. Чунки ҳар қандай малака ошириш ва методик иш ва ҳатто назоратчи ишининг энг сўнгги натижаси ҳам ўзига хос усулларда энг яхши ишлаётган ўқитувчини аниқлаш, ижодий ютуқларнинг моҳияти нимада эканлигини ўрганиш, зарур даражада умумлаштириш ва кўпчиликка ўрнак бўла оладиган жиҳатларини оммалаштиришдан иборатдир.

Шу давргача бу борада бирмунча эскирган усуллар, чунончи, кўп ҳолларда илғор тажрибани илмий мезонларга мувофиқ методик ва амалий қийматини аниқлаш, таҳлил қилиш, шу билан бирга ёзма баён этиш шакллари ҳамда шу баёнда аслида қайси жиҳатдан, ушбу тажриба янги, ижодий яратилган, бунёдкорлик эканлигини аниқ-равшан ифодалаб беришга кам эътибор берилди. Натижада бу ишда сифатга эмас, сонга эътиборни биринчи ўринга қўйишни келтириб чиқарди.

Эндиликда, бу бўлимимизнинг асосий мақсади жумҳуриятимизнинг халқ таълими муассасаларида олиб борилаётган ижодкорлик ва педагогик яратувчилик ишларини оммалаштириб бориш орқали таълим ва тарбиянинг сифатини юқори кўтаришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

МУХБИР: — Малака оширишнинг мазмуни ва усуллари лабораторияси илгариги тизимда ҳам мавжудмиди? Агар шундай бўлса, ҳар иккаласининг бажарадиган вазифасида қандай фарқ ва ўзгаришлар бор?

А. АКМАЛОВ: — Мазкур лаборатория олий билимгоҳнинг эски тизимида ҳам мавжуд эди. Ҳозирги ишимизда ва илгари ҳам малака оширишнинг турли шакллари, тингловчилар билан сўров варақалари орқали курсларнинг мазмунини аниқлаб олишдан иборат эди.

Лаборатория келгуси фаолиятининг асосий йўналишлари Таълим тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган таълим тизимининг ўқув режалари ва дастурлари мувофиқлаштириш, таълим босқичлари ва шаклларининг изчиллигини амалга оширишдан иборат бўлади.

Малака оширишга келган ўқитувчи, педагог ходимларнинг касб-корлик, методик тайёргарлигига қараб табақалаштирилган курслар ташкил этиб, бу ишни бажаришда уларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш лаборатория ходимлари олдида турган вазифадир. Шунингдек, курс давомида малака оширишда таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиш, яъни маърузаларни мунозара асосида ўтказиш, давра суҳбатлари, амалий ўйинлар, ўқитувчи фаолиятида учрайдиган турли муаммоли педагогик вазиятларни ҳал қилиш каби ишларни амалга оширишда курс раҳбарларига ёрдам беради. Ниҳоят, ҳар иккаласи ўртасида катта тафовут бўлмаса-да, бироқ мўлжалдаги режалар масъулиятлироқдир.

МУХБИР: — Маълумки, жумҳуриятимиз мактабларида жисмоний тарбия ишларини у қадар яхши баҳолаб бўлмайди. Демакки, бу соҳада ҳам ўзгаришлар бўлишини даврнинг тақазо этаяпти.

Т. УСМОНХЎЖАЕВ: — Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан туб ижтимоий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Замон нафасига қараб эмас, балки халқ таълимининг барча тармоқларида таълим услубини бир қолипчиликда қотиб қолган эски йўналишидан воз кечиб, янгича таълимни жорий этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Эндиликда рўй бераётган барча ишлар ҳар жабҳада сифат ўзгаришлар ясашни тақазо этмоқда. Барча соҳалар қаторида республика халқ таълими тармоғи, жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари олдига ҳам муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўяяпти. Бундай вазифалар йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилишга киришиш, унинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний баркамол шахс сифатида вояга етказиш, мазкур соҳани янги давр талабларидан келиб чиқиб, музофотимиз шарт-шароитларига мослаштириш, уни имкони борича миллийлаштириш лозим эканлиги яққол кўзга кўриниб қолди.

МУХБИР: — Жисмоний тарбия ишини мактабда яхшилаш мақсадида алоҳида йўлланмалар, эҳтимол, янги қонун-қоидалар ҳам ишлаб чиқилаётгандир?

П. ХЎЖАЕВ: — Албатта, бусиз бирор натижага эришиш қийин. Жисмоний тарбия ўқитувчилари ишини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг ходимлари билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси миллий умумтаълим мактаблари I—XI синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия мажмуаси», «Мактабда жисмоний тарбия машғулотларини миллийлаштириш», «Ўзбекистон жумҳурияти вилоятларида халқ ҳаракати ва спорт ўйинларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш» каби тавсияномалар чиқарилиб, жойларга фойдаланишга юборилди.

Булардан ташқари, кафедрамиз аъзолари қўйидаги тадбирларни амалга ошириш арафасида: мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий педагогика ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт ҳамда дарсларни ҳозирги замон талаб даражасига кўтариш, энг муҳими, Ўзбекистон жумҳуриятида жисмоний тарбия бўйича биринчи марта йўриқнома (концепция) ишлаб чиқилди ва шу асосида дастур яратилиши мўлжалланмоқда. Менимча, бу қилинаётган ишлар мактабларда жисмоний тарбияни юксалтиришда катта фойда келтиради, деб ўйлайман.

Хуллас, жумҳурият Марказий олий билимгоҳидан бугунги кунда барча педагоглар аҳли ҳам, шу тармоқда хизмат қилаётган раҳбар мутахассислар ҳам, қолаверса, вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш билимгоҳлари ҳам катта умид қилмоқдалар. Суҳбат тафсилотидаги фикрларга қараганда, бошланган хайрли тадбирлар улар кўнглига маъқул келади, деб ўйлайман. От изини той босади, — дейишади-ку халқимиз. Демак, катта дарё қайси ёққа қараб йўналса, ирмоқлари ҳам унга эргашиши бор ҳақиқат. Шундай экан, Марказий малака ошириш олий билимгоҳининг барча ходимларидан умидимиз катта...

Суҳбатни
Маҳкам ҚУЧҚОРОВ,
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВлар
олиб борди.



СУРАТДА: давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи.

ХАЛҚ МЕРОСИ — ХАЗИНА

МИЛЛАТИГА МОС, УДУМИГА ХОС

Қизил империя, қатағонлик даврларининг мудҳиш таъсирида бизнинг кўпгина маънавий ва моддий бойлигимиз тоталитб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда биз тарбиячилар ўзимизнинг ниҳоятда ноёб миллий тарбияга бой ҳикматларимиз ва одатларимизни, удумларимизни ўқувчилар онгига турли услублар воситасида сингдиришимиз керак.

Ҳар бир халқ ҳикматининг тагида жуда чуқур, кенг тарбиявий маъно бор. Хўш, ҳикмат дегани нима? Унинг луғавий маъноси: «Ўта донолик, ақл-заковат билан айтилган, ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гап» демакдир.

«Бола азиз, одоби ундан азиз», «Одобли бола — орли бола, одобсиз бола — шўрли бола», «Бола безори — одам озари», «Одобли бола элга манзур», «Одобли ўғил кўкдаги юлдуз», «Одобли қиз ёқадаги қундуз».

Тарбиявий ишларда ота-она эъзози тўғрисида, ҳалоллик, тўғрилик, одамийлик, камтаринлик ва одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳикмат ҳамда ҳикоятлардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Синф тарбиявий соатларида, ота-оналар ва ўқувчиларнинг умумий йиғилишида тарихий ва ҳаётий мисоллар асосида қизиқарли суҳбатлар ўтказиш самарали бўлади.

Мен қирқ йиллик педагоглик иш тажрибамда қилган меҳнатларим зое кетмаганини кўриб келаётирман. Мураббийлар сардори В. Сухомлинскийдан: «Ҳаётингизнинг мазмуни нимада» — деб сўрашганда, «Болаларга бўлган муҳаббатим» — деб жавоб берган экан. Шундай экан, биз мураббий-маърифатпарвар лар, педагоглик касбини танлаган эканмиз, ҳозирги ёш, мустақил давлатимизнинг ворисларини ўз миллатига мос, удумига хос қилиб тарбиялаш маънавий бурчимиз бўлиб қолсин.

А. ҲАЙДАРОВ.
Тошкент шаҳридаги 229-мактаб ўқитувчиси.

Шоҳ тарихи

САРДОР МАҲМУД

ИНГЛИЗЧАДАН ШАМОЛИДДИН ҲАМДАМ ВА ШАРИФ ХОЛМУРОД ТАРЖИМАСИ

Унинг обрўйи ошиб кетиб, қатъиятли ва дадил одам сифатида машҳур бўлди. Тариҳдан маълумки, у Маккага нисбатан гўё унда ҳеч қандай муқаддаслик белгиси йўқдек иш тутган. Барча замбараклар муқаддас деворларга қаратилди. Маккаликлар фидокорона қаҳрамонлик билан жанг қилдилар. Абдулло ибн аз-Зубоирнинг шахсан ўзи курашда охирги дамигача ирода кучини, сабот ва қатъият намунасини кўрсатди. Лекин унинг жасурлиги умавийлар қўмондонлигининг шафқатсизлиги олдида ожиз эди. У жангда ҳалок бўлди, ал-Ҳажжож эса унинг бошини кесиб, Дамашққа юборди. Мекка ҳамда ал-Ҳижознинг бошқа истеҳкомлари таслим бўлдилар. Яман жанг ҳам қилиб ўтирмади. Кишилар итоатга бўйин эгдилар, янги ҳукмдорлар билан муроса қилишни хоҳламанганлар эса ғарбий жабҳага ва ғазовот уруши ҳали ҳам давом этаётган ҳамда мусулмонлар шоншуҳратга эришиб, ўзлари учун янги қароргоҳ топиш мумкин бўлган узоқ Хуросонга жўнаб кетдилар.

Ал-Ҳажжож Ироқни забт этади. Ироқда Ал-Ҳажжожга омад кулиб боқди. У Куфада нотинчлик бошланиши биланоқ шу шаҳарга юриш қилишни кўнглига тугиб қўйганди. Мана энди ўзига содиқ ва ишончли бир неча жангчи билан туя ҳайдаб борувчилар қиёфасида жума намози куни Куфанинг буюк жоме масжиди томон йўл оладилар. Мусулмонлар намоз ўқишга тайёр турганларида у югуриб меҳробга чиқади-да, юзидан ниқобини сидириб ташлаб, баланд овозда ибодат олдидаги сукунатни бузиб шундай дейди: «Куфа жамоаси, мени таниялсизларми? Мен сизнинг янги ҳокимингизман. Мен ҳам энг тубан маҳлуқ бўла оладиган одамман! Аминманки, сизлар кўп қон тўкилишини хоҳламайсизлар. Менга ишонаверинг. Шунчалар кўп бўғизларни тиғдан ўтказаманки, сизнинг бутун ташналигингиз босилади. Менга қулоқ солинг ва бўйин эгинг! Ҳамма жой-жойида донг қотиб қолади, бирор киши ғинг дея олмайди. Бироқ ал-Ҳажжож қуруқ гапни ёқтирмас эди, у шафқатсиз сабоқнинг таъсири кучли бўлишини яхши биларди. Шу боисдан ҳам айланиб чиқиб, умавийларга ғанимлик туйғуси бор деб шубҳа қилинганларнинг ҳаммасини қатл этди. Кейинчалик тарихчилар уни қонхўр маҳлуқ қиёфасида гавдалантиришга ҳаракат қилдилар. Лекин у қуфаликларнинг шундай таъсирини берган эдики, улар буни узоқ муддат эсдан чиқара олмадилар. Албатта, қон тўкиш унинг асосий мақсади эмасди. Яхши саркардалигидан ташқари, у истеъдодли маъмур ҳам эди. Анҳорлар қаздириб, кенг кўламда суғориш иншоотлари қурдирди, Ироқ ҳукумати фаолиятини муттасил яхшилаб бориб, бу вилоятни халифаликнинг энг бой ўлкаларидан бирига айлантирди.

Ҳиндистон, Қобул ва шимолдаги истилолар. Умавийларнинг рақибларига дўстлик қилмаган ал-Ҳажжож кескин чора-тадбирларга кўпроқ ишонарди. Бироқ унинг машҳур киши бўлганлигини ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. У Абдул Малик ва унинг ўғли ал-Валид ҳукмронлиги даврида кўплаб юришлар қилди. Бу уларда норозилик уйғотмади. Унинг шарофати билан Ислом дини буюк шон-шуҳрат топди. Ал-Ҳажжож Ҳиндистонда Синд рожаси арабларнинг бир неча кемасини талаган аллақандай денгиз қароқчиларини ўз қаноти остига олганлигидан огоҳ бўлиб, ўн саккиз яшар жияни ва куёви Муҳаммад ибн Қосим бошчилигида рожага қарши қўшин юборади. Қўшин у қадар катта эмасди: 1000 тадан от ҳамда чопқир туяга ва ҳаммаси бўлиб 6000 жангчига эга эди. Бироқ ёш Муҳаммад жуда моҳир жанговар лашкарбоши эди. У йўл-йўлакай Макранни бўйсундириб, аллақачон қўлга киритилган Балужистон орқали қуруқликдан юриш қилди. 712 йилда Қуйи Синд пойтахти Дебални эгаллади. Рожа қочиб қолди. Ҳамма жойда бўлганидек, аҳолига шартлар таклиф қилинди; ихтиёрий таслим бўлиш эвазига хайрихоҳлик, ҳимояга олиш ва бошқа имтиёзлар бериш. Ислом динини қабул қилиш иштиёқини билдирган кишилар ҳамма мусулмонлар билан, баравар ҳуқуққа эга бўлардилар. Муҳаммад ибн ал-Қосим рожани таъқиб қилишни давом эттириб, Нирун (ҳозирги Ҳайдаробод) яқинида унга етиб олди. У 50 минг кишилик катта қўшин тўплаганига қарамасдан, Муҳаммад енгиб чиқди, Рожа эса жангда ҳалок бўлди. Энди бутун Синд эгалланган эди. Лекин Муҳаммад бу билан қаноатланмай, Баҳманобод атрофида жанг қилгач, Қуйи Панжобга кириб бориб, у ерда ҳам ғалаба қозонди. Натижада Ҳинд дарёси қуйи қисмидаги бутун водий мусулмонлар қарамоғига ўтди. Бироқ Муҳаммад бу ерда узоқ қололмади. Қайнотаси ал-Ҳажжож ўлим тўшагида ётганлигидан Дамашққа чақириб олинди. У ерда бир неча йил сарой қутқулари билан овора бўлди.

Ўрта Осиёнинг босиб олиниши (705 — 713-йиллар). Ал-Ҳажжож бошқа лашкарбошиларини, Абдураҳмон ибн Муҳаммадни мусулмонларга қарам бўлатуриб солиқ тўлашдан бош тортган Қобул қиролига қарши юборди. Абдураҳмон адабини бериб қўйгач, у бўйин эгишга мажбур бўлди. Яна бир лашкарбоши Қутайбаҳ ибн Муслим қўшин билан Оксос (Амударё) ортида жойлашган мамлакатга йўлланди. Қутайбаҳ Балх ва Бухорони, Самарқанд атрофидаги барча ерларни эгаллади. Сўнгра, у йўлини сўл томонга буриб, Хивани босиб олди, у ер кейинчалик Хоразм деб номлана бошлади: 713 йили Бухородан нариги ўтиб, Фарғонани қўлга киритди. Шундай қилиб, Трансоксиянинг бутун ҳудуди — дарёнинг нарёғидаги ерлар (Мовароуннаҳр) босиб олинди.

Кичик Осиёда истило қилинган ерлар (706—707-йиллар). Абдул Малик подшоҳлиги анчагина ўлкаларни қўлга киритиш билан якунланди. Шимолдаги қўшинлар саркардаларни византиялик босқинчилардан қўриқлаб туришлари керак эди. Мусулмонлар бир-бири билан олишаётганини кўрган Византия императори ҳарбий кучларини уларнинг чегараси томон юборди. Мусулмонларнинг сарҳад қўшинлари анча муддат мудофаа жангларини олиб бордилар, лекин Абдул Малик кучларини Кичик Осиёга йўналтирди. Натижада улар византияликлар билан Себастополис яқинида тўқнаш келиб, ғолиб чиқдилар. Келаси йили мусулмонлар яна уч шаҳар — Тиана, Сардис, Пергамосни эгалладилар.

Африқодаги истилочилик. Қайравон аллақачон Тунисда ҳозир бўлган, маҳаллий барбарлар эса сўзсиз мағлуб этилган эди. Аслида эса ниҳоятда сергайратлиги ва моҳирона жанг қила олиши билан ажралиб турганликлари учун улар араблар қалбига кўп ғулғула солдилар. Бу ташвишлардан хабар топган Абдул Малик у ерга машҳур саркарда Уқбаҳ қарамоғида бўлган Зубоир қўмондонлигида қўшин юборди. Зубоир барбарлар билан византияликларнинг бирлашган кучларини енгиб чиқди. Анчадан кейин Зубоирнинг яхши қўриқланмай юрганини кўрган барбарлар пайт пойлаб уни ўлдиришга эришдилар. Ҳатто, Қайравон ҳам қуршовга тушиб қолди. Шундай бир пайтда янги бир ҳоким Ҳасан ибн ал-Нўъман Ифриқияга жўнатилди. У Қайравонни қутқариб олиб, барбарларни ҳамда маҳаллий руҳоний Қоҳина томонидан уюштирилган бошқа бир кучли қарши кўтарилишни ҳам тормор қилди.

Ҳукмдор Абдул Малик. Бу шубҳасиз, буюк ҳоким раҳнамолигида мусулмонлар Шарққа, Шимол ва Ғарбга узоқ кириб борганликларидан ташқари, маъмурий соҳада ҳам жуда кўп янгиликлар яратилди. Араб пуллари зарб қилинишга асос солган ва араб тилига умумдавлат мартабасини берган биринчи халифа ҳам шу киши бўлди. Тобора кўпроқ муассасалар арабларнинг ҳамда янги мусулмонлар қўлига ўта бошлади. У хат-хабар хизматини ташкил этди, солиқлар тартибини изга солди. Мусулмонлар закот тўлашарди, Ислом динини ихтиёрий қабул қилганларни бошқа солиқлардан озод этди. Ана шундай янги мусулмонлар шаҳарга келиб, маволи (ихтиёрий ёлланувчи) бўлиб қуролли кучлар сафига қўшилардилар. Йиғиб олинадиган солиқларнинг бир қисми йўқолиб кетарди, чунки ҳарбийларнинг ўзлари солиқ тўламаганликларидан ташқари ҳар йили тўпланадиган маблағнинг муайян қисмини мунтазам олиб ҳам турардилар. Бундай ҳолат Исломга жуда катта ҳарбий кучларга эга бўлиш имконини берди. Абдул Малик шунингдек, Қуддусда Қоғумбаз деб номланган улкан жоме масжидини қурдирдики, у ҳанузгача илк мусулмон меъморчилигининг яхши намунаси бўлиб савлат тўкиб турибди.

(Давоми бор).

АКС САДО

ЮЗАКИ ИШ НАФ БЕРМАЙДИ

Касбдошларим К. Қаҳҳоров ва А. Толиповларнинг «Маърифат»нинг 27 февралдаги «Кўнгил гулдан нозик» мақоласини ўқиб, ўз мулоҳазаларимни мактуб орқали йўллаяпман.

Мақолада куннинг долзарб муаммоси — малака ошириш масаласи тилга олинган. Мени ҳам 35 йил ичида 6-7 маротаба малака ошириш институтига юборишди, лекин, очиғини айтсам, дурустроқ янгилик ололмадим. Охирги марта 1990 йил мартидан то 1991 йил 12 декабригача ҳар ҳафтада бир марта 40 километр масофадаги вилоят марказига бориб, (ноҳиядан саккиз киши) ўқидим. Мактабда ҳафталик дарс соатимиз ҳам ўтилди, ҳам ҳар куни 10-15 сўм сарфлаб, дарс тингладик, лекин бирор сўм ҳам ҳақ тўланмади. Аслида иккига бўлиб ўқитилиши керак бўлган 57 нафар ўқитувчи битта синф қилиб ўқитилди.

Бирор сўм(олмаган) ҳолда фарзандларимиз ризқини қийиб, 200-250 сўмни йўқотиб, малака оширдик. Шу сабабли, муаллифлар айтганидек, бундай малака оширишлардан кўплар бош тортади. Далил: яқинда икки нафар бошланғич синф ўқитувчимиз ҳам бу ўқишга боришни хоҳламади. Дарҳақиқат, ўқишга кетган фан ўқитувчисининг дарсини ўтиб турғани ўринсош топилса-ку нур устига аъло нур бўлади, топилмаса-чи — 100 — 130 ўқувчи дарс сабоқларини ололмай қолади.

Мен ҳам муаллифлар фикрига қўшилган ҳолда малака ошириш районлардаги илғор тажриба мактабларида ўтказилиб, вилоят марказига кўплар овора қилинмаса-ю, икки-уч дарс ўтувчи институт ўқитувчилари ноҳиядга юборилса, айни муддао бўларди, демоқчиман.

Н. ҲАЙДАРОВ.
Фарғона вилояти Езёвон районидаги А. Навоий номли 6-ўрта мактабининг илмий бўлим мудири.

НАВБАТДАГИ СОН ЧИҚДИ

«ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ» илмий-методик журналининг навбатдаги сони Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази директори Насрулло Мирқурбоновнинг «Давр талаби ва тил таълими» мақоласи билан очилган. «Муаммолар,.. Вазифалар... Ечимлар...» рукнида «Ўрта умумтаълим мактабларининг V—XI синфлари учун она тилидан дарсликлар мезони (концепцияси)» ҳамда «Ўзбек тилини ўрганамиз» телевизион машғулотлар туркумининг муаллифи Мирзаҳаким Тўхтамирзаевнинг «Тил таълимида телевиденнедан фойдаланиш» ҳақидаги материаллари ҳам ўрин олган.

Журналнинг «Адабий тақвим» рукнида жиззахлик Мўмин Ҳошимхоновнинг Боборажим Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган «Оташқалб шоир» мақоласи берилган. Шунингдек, қунар-техника билим юртларида адабиёт таълимини режалаштириш, кўргазмали ўқув қуроллари республика кўргазмаси иштирокчиларининг материаллари ҳам муаллимлар эътиборга ҳавола қилинади.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Маҳкам РАҲМОНОВ.

ИФТИХОР

— Ортиқ, ака Сизни халқимиз аллақачон ўзининг иқтидорли қўшиқчиси деб тан олган. Анча кечикиб бўлса-да, эндиликда Жумҳурият халқ артисти бўлдингиз. Кўп сонли муштарийларимиз номидан Сизни қутлаймиз. Сизнинг санъат соҳасига кириб келишингизда мактаб ўқитувчиларининг ҳиссаси борлиги бизга сир эмас. Чунки Хоразмда бўлганимда бир устозингиз тўлқинланиб гапирди. Ҳар гал Ортиқ келса, менинг торимни чалади. Унга севимли, ҳеч кимга ишонмайдиган сирдошимни фахр билан топшириб қўяман, дегандилар. Яна улар, уларнинг ҳамроҳларию, биз билан суҳбатдош бўлганларнинг ҳамма-ҳаммаси сиз билан қанчалик фахрланишларини, ҳар қадамда номингизни ҳурмат билан тилга олишларининг гувоҳи бўлдим. Инсон туғилган ерида азиз бўлиши нақадар бахт экан! Шунинг учун ҳам сизга ҳаваси ортди.

— Умидахон, сўнги пайтларда Хоразмга тез-тез қатнайдиган бўлиб қолдим ўзим ҳам. Чунки у ердаги ҳовлижойимни қайтадан тиклаяпман. Шунинг учун бўлса керак, айрим одамлар мени Хоразмга кўчиб кетди, деб гап тарқатишибди...

— Бундай «гап»ларнинг қаноти учқур бўлади ўзи. Сиз ҳақингизда бундай бошқача гаплар ҳам урчий бошлаганди...

— Ҳа, чунки кейинги кунларда Ўзбекистон телевидениесида кам кўринадиган бўлиб қолгандим. Сабаби — менинг ҳамшаҳарларимдан бири у ерда ишларди. Хоразмликлар мен орқали чиқишсин эфирга, деган гапини эшитиб қолдим. Шу таклиф менга оғир ботди...

Яна майда-чуйда гаплардан бири — гўё менинг қизимни ўғирлаб кетишганмиш, машинамни ёқиб юборишганмиш. Одамларга ҳам ҳайронсан. То қабринггача уларнинг миш-миши-ю, гап-сўзлари кузатса керак!.. Қизимга совчи келди. Мен уларга ўртага эркак одам қўйинглар. Мен эркаклар билан гаплашаман. Очиғини айтсам, ҳозирча уни узатиш ниятим йўқ, дебман. Улар эса, эшик олдида туриб, менга қаттиқ-қаттиқ гаплар айтишди. Икки аёлнинг бундай гап-сўзлари ён-веридагиларга бошқача эшитилди чоғи, кўп ўтмай шундай гаплар ҳам тарқатилди. Машинамнинг йўқолгани-ю, ёнгани эса — боя айтганимдек, Хоразмда қурилиш бошлаганман. Шунинг учун у ерда хизмат қилишга ярар деб уйга ташлаб келгандим.

— Ортиқ ака, бу гап-сўзларнинг умри нақадар қисқалигини вақт ҳал қилиб қўйди. Сизнинг ўз унвонингизга расман эга бўлишингиз эса яна янги гапларни келтириб чиқарди. Ортиқ ака энди мақомга мурожаат қилаётганмиш...

— Мен илгари ҳам мақом йўлларида кўп қўшиқ айтганман.

Ҳа, Ортиқ Отажонов ҳар қандай қўшиқни маромига етказиб айтган. Унинг шеър танлашига, шеърни оҳанги билан омухталаб, иқтидорини қўшиб тингловчига етказишда маҳорати беҳад, унинг! Бу ҳақда шоир Омон Матжон ҳам бир вақтлар айтганди: «Мен «Умр ўтар» номли шеъримни қўшиқ бўлади деб ҳеч ўйламагандим», — деб. Чиндан ҳам ўша шеърни ўқиган одам унинг мусиқага тушишию, қўшиқ қилиб айтилиши мумкинлиги тўғрисида хаёл ҳам қилмайди. Чунки қўшиқ сатрлари тугалланган, тиниш белгилардан иложи борича ҳолироқ бўлиши керак. Ортиқ аканинг маҳорати эса — айтаётган қўшиғидаги эҳтиросшингиз сизнинг шеърингизнинг чиройли қуйлаяпти, деб сўраганлар ҳам бўлди. Мен эса сиз билан ҳаётда тўқнаш келмаганимни, юзма-юз бирор марта суҳбатлашмаганимни уларга қандай тушунтиришни билмасдим. Бир ёш шоирнинг шеърларига ҳам эътибор бера бошлабдиларми, демак Ортиқ ака кўп ўқийдилар, чуқур фикрлайдилар, деган таассурот ҳосил бўлганди менда.

— Санъаткорлар изланмаса, интилмаса, одамлардан бир қадам олдинда юрмаса, уни ҳеч ким эшитмайди, Умидахон! Мен ўқишим керак, изланишим керак, деб китоблар варақламайман, турли санъат асарларини берилиб томоша қилмайман. Балки, ўзим билмаган, сезмаган ҳолда бу дунёга шўнғиб кетаман. Бир кун ўқишу ишлашдан ҳоли бўлсам ниманидир йўқотгандек ҳис қила бошлайман ўзимни... Феълимни Гулсара опангиз ҳам яхши биладилар. Фарзандларим ҳам бундан яхши хабардор. Шунинг учун ижодхонамда янги рўзномалар тахт туради. Шеърий китоблар ҳамиша мужассам бўлади.

— Санъаткорларнинг турмуш ўртоқларига ҳамиша қийин бўлган ва бу қийинчиликдан бутун умр қутула олмасалар керак, деб ўйлайман. Айниқса, хонанда-ю созандаларнинг аёлларига. Чунки сизларнинг сафарларингиз адоқсиз.

— Тўғри айтасиз. Гулсара опангиз билан қарийб 26 йилдан бери ҳамнафасмиз. Шу вақтлар ичида 4 фарзандни ўстирдик. Уларнинг туғилиши-ю, боғча ва мактабларга қатнаши, олий ўқув юртларида таҳсил олиши ва ҳозирги кунда ўзидан кўпайиб (мендан 3 та набира бор) турмуш уринишлари билан банд бўлиши — мендан кўра у кишига қимматга тушган, десам муболаға бўлмайди. Лекин ҳар бир оиланинг қаттиқ қўл отаси, қатъиятли хонадон бошлиғи бўлиши керак. Шунда фарзандлар хотиржам ўсадилар. Рўзғорда бесаранжомлик бўлмайди.

— Раҳмат, Ортиқ ака. Истагим, хонадонингиздаги хотиржамлик ҳеч қачон аримасин. Дўстларингиз сизни янги қўшиқларингиз, хушхабарлар билан қутлайверишсин.

— «Кимгаки уй, оиласи азиз гўшадир, бу дунёда энг бахтиёр одам — ўшадир», — деб бежиз ёзмаган эдим. Чунки эрталаб ишхонасига, қадрдонлари ҳузурига, кечқурун гўзал гўшасига, қондош, жондошлари бағрига талпинмоқ энг катта бахтиёрликдир. Сўнгги кунларда бир-бирини такрорламас воқеаларга гувоҳ бўлаяпмиз. Кечаги динсизнинг, бугун диндор бўлганини, ароқхўрнинг сўфи деб ном олганини эса... ҳар қадамда учратиш ҳам оддий ҳолга айланган.

— Умидахон, сиз эътиқод ҳақида сўз очмоқчисиз, янглишмасам. Менинг эътиқодим — ўзимга ишончимда. Тўғри сўз-у, покликни самимиятни ёқтираман. Шунингдек, қуйлагим келади. Муҳаббатни, меҳрни, бир-бировни қўллаш-у, олқашликни ўрганмоқмоқлик кераклигини...

— Ортиқ ака, қонимизда, ҳадисда айтилганидек, ҳайвоний, шайтоний ва фариштанамо ҳислатлар мавжуд. Еб ичиш-у, ётиб туришлик, бир-бировнинг кўзига чўп қадаб, манфаати йўлида уни қурбон қилишлик ва эзгулик куртаклари ифорларини оламга таратмоқлик каби... Бу сифатлардан ҳар бир инсон қайсидир маънода барибир қочиб қутула олмайди. Лекин буларнинг ҳаммаси қўшиғингизда куйлаганингиздек, «иккимиз отган бир қадамчадир»... Озгина умрни созгина қилиб яшамоқ барчага насиб этсин!

Қўшиқчи бўлганидан, одамларнинг хаёлини маълум дамларда бир ерга жамлаб, уларга ота-онага меҳр кўргузмоқ кераклигидан, ризқимиз — нонни улуғламоқлик даркорлигидан, ошиқ кўз билан оламга боқмоқ лозимлигидан... сўйлаб берганидан фахрланса арзийди, Ортиқ ака!

— Ортиқ ака, сизни ана шу фахр ҳисси тарк этмасин. Фахрланмоғингиз учун юртимиз тўкинлиги, одамларимиз кўнглидаги хотиржамлик, келажакка ишонч, кўзлардаги умидворлик чўғи қайтиб келиши керак. Бунинг қанчалик тез ва соз қайтмоғи — меҳрибон мураббийларимизнинг ёш авлодга бераётган юрак кўри, кўз нурида намоён бўлади... Сиз ҳам мураббий устозлардансиз, ахир! Мухлисларингиз, тингловчиларингиз — зукко ва тобора камол топаётган шогирдларингиздир.

Илойим шундай бўлсин!

У. АБДУАЗИМОВА.

ЮРГАН ДАРЁ

Юрган дарё, ўтирган бўйра деганларидек, саёҳат ҳам инсон ҳаётининг зарурий эҳтиёжларидан биридир. Биз сурункали меҳнат давомида қайларгадир боришни, кимлар биландир суҳбат қуришни, ҳеч бўлмаса яқин атрофга чиқиб сайр-саёҳатни орзу қилиб яшаймиз.

Саёҳат инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, унинг тафаккурини, фикрлаш доирасини кенгайтиради, жойларда турли кишилар билан учрашиш, ўзаро мулоқотда бўлиб, улар ҳаёти билан танишиш каби инсоний туйғуларни юзага келтиради. Ҳар бир нарсанинг ўзига хос меъёри бўлганидек, саёҳат тарбияси ҳам болаликдан бошланади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган болалар ва ўсмир сайёҳларнинг саёҳат маркази вилоятимиздаги ноҳия, шаҳар таълим-тарбия муассасаларини ўз ичига олади. Ташкилотимиз тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш ҳамда мактабларда музейлар ташкил қилиш билан бир қаторда жумҳуриятлараро, вилоятлараро олиб бориладиган саёҳатлар билан шуғулланади. Велотуризм, пиёда ҳамда тоғ туризми бўйича сафарлар уюштиради. Бу соҳада эришган ютуқларимиз ҳам бор. Мураккаблиги жиҳатидан I, II тоифали тоғ туристларига эга бўлиб, жумҳуриятда иккинчи ўринни эгаллаб турибмиз. Ҳар бир чорак таътили даврида Москва, Санкт-Петербург, Одесса, Қрим вилояти ва бошқа жойларга ҳамда жумҳуриятимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарларига саёҳат уюштирамиз.

Тўғри, ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ва камчиликлардан ҳам ҳоли эмасмиз. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида нарх-навонинг кундан-кунга ошиб бориши муносабати билан узоқ ўлкаларга саёҳат уюштириш бироз қийинчилик туғдирмоқда. Шунга қарамасдан таълим-тарбия муассасаларини оталиққа олган ташкилотлар бераётган самимий ёрдам туфайли ўтган йили ёз ойларида Кишинёв, Ленинград, Москва ва Қрим вилоятларига саёҳат уюштирилди.

Ҳозирги қийин шароитга қарамасдан юксак мақсадларни режалаштирдик. Бу йилдан бошлаб ўқувчи-ёшларга саёҳат уюштириш билан бир қаторда мураббийлар гуруҳини ташкил этмоқчимиз. Улар учун етарли шароит яратиш мақсадида саёҳат марказида қўшимча меҳмонхоналар қурилмоқда, Одесса, Симферополь, Москва каби кўплаб бошқа шаҳарларга катта ёшдаги сайёҳлар гуруҳини қабул қилиш борасида шартномалар тузишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Қ. ҚУЛДОШЕВ,
Андижон вилояти болалар ва ўсмир сайёҳларнинг саёҳат маркази директори.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва «Давлат ва ҳуқуқ асослари» кафедра ўқитувчилари шу кафедранинг мудираси доцент Омина Абдураҳимовна Каримовага онаси

Рисолат КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент вилояти давлат педагогика институти жамоаси институт ректори Наримон Фозилович Иброҳимовга ўғли

БАҲОДИРЖОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Тошкент вилояти давлат педагогика институти ректори Наримон Фозилович Иброҳимовга ўғли

Баҳодир ИБРОҲИМОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 32-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г—300 ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. тираж 33628.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12